**Ушбу сонда:**

2 — *Касаба уюшма ҳаёти:* «АЁЛЛАР ЙИЛИ» ДАСТУРИ АМАЛДА

3 — МАҲАЛЛАДА СУД

4 — ИҚБОЛИНГ КУЙЛАЙМАН, ЎЛКАМ!



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 11 май, сешанба № 57 (704)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ХОТИРА ЧИРОҒИ ЎЧМАЙДИ

### Президент Ислом КАРИМОВнинг Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Бугун ўлкамизда илк бор Хотира ва қадрлаш куни нишонланмоқда.

Мен барчангизни - жафокаш, меҳнаткаш, кўпни кўрган, катта-кичик жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган халқимизни мана шу қутлуғ сана билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз нима учун 9 май байрамини Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилдик?

Ижозатингиз билан шу тўғрида яна икки оғиз айтиб ўтсам.

Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани - бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Хотира ва қадрлаш куни деган тушунча ғоят теран маънога эга. Бу фақат фашизм балосига қарши жангу-жадалларда қатнашган, она-юрт ҳимояси учун умрини бахш этган кишиларни шарафлаш дегани эмас.

Бу муборак кунда, халқимизнинг асрлар давомида орзу-ният қилиб, интилиб келгани - ҳуррият ва озодлик йўлида ҳаётини қурбон қилиб шаҳид кетган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Намоз ботир каби халқ қаҳрамонларини, Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Хотира ва қадрлаш деганда биз аввало ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Бу ҳаётнинг гўзал ва нурафшон, юртимизнинг озод ва обод бўлишида шу муқаддас заминда яшаётган қўли қадоқ, нияти пок миллион-миллион юртдошларимизнинг беқиёс ҳиссаси бор. Бугунги Хотира ва қадрлаш кунида мен кўпчилик қаторида ана шу камтар ва камсуқум, оддий, заҳматкаш инсонларни бағримга олиб, барчасига таъзим қиламан.

Муҳтарам дўстлар, юртдошларим!

Бугун пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдони очилмоқда. Бу ҳам мустақиллик тафаккурининг яна бир бор намоён бўлиши, халқимизнинг табиатига ёт бўлган эски қолип ва сохта ғоялардан воз кечганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда «номаълум аскар» деган тушунча нимани англатар эди?

Ўзингиз ўйланг, инсон она юрти, халқининг бахт-саодати учун омонсиз жангларда жонини фидо этсаю унинг номи номаълум бўлса!

Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр армон бўлиб яшайди-ку! Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми?!

Биз учун урушларда қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум ва ҳеч қачон унутилмагай, иншоолло!

Шунинг учун биз уларнинг номларини мана шу майдондаги мухташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрлаб қўйдик.

Токи бу муқаддас зиёратгоҳга қадам қўйган ҳар бир инсон, нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳли аждодларимизга, фидойи жангчиларимизга бўлган буюк эҳтиромимизни кўрсин, уларнинг хотираси қаршисида таъзим бажо этсин.

Азиз биродарлар!

Мана шу майдон марказида уруш ва айрилиқлардан беҳад қайғу-жафо чеккан, фарзандлари доғида қадди дол бўлган Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган.

Бу ҳайкал узоқ тарихи давомида не-не бало-қазоларни, жабру- зулмларни, қирғин-қатағонларни бошидан кечирган, айни пайтда ўз эркинлиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун тинимсиз курашган она Ватанимизнинг ёрқин тимсолидир.

Инсон боласини Она ёруғ дунёга келтиради, оқ ювиб оқ тарайди. Уни беғараз меҳри билан улғайтиради. Инсон қалбида неки олижаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси она меҳридан, она тарбиясидандир.

Ватанга муҳаббат туйғуси она сути, она алласи билан қон-қонимизга сингади, онгимизга киради.

Шу боис Она - Ватан, Ватан - Она демакдир. Биз меҳр ва муҳаббатни, садоқат ва фидойиликни мунис оналаримиздан, бебаҳо Ватанимиздан оламиз. Ва бизнинг ҳам жамики эзгу ниятларимиз, хайрли ишларимиз Она Ватанга аталгандир.

Мотамсаро онанинг маҳзун қиёфаси ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди. Уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, бугунги ёруғ ва дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Биз муқаддас Она ҳайкали пойига битган «Сен доимо қалбимдасан, жигарим» сўзлари миллатимизнинг, халқимизнинг қурбон бўлган фарзандларига чексиз эҳтиромини англатиб, қалбларимизда доимо акс садо бериб туради.

Мангу олов теграсига зикр этилган «Эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахту-саодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси ҳамиша барҳаётдир» деган сўзлар эса узоқ ва яқин тарихимизда бугунги озодлик ва мустақиллигимиз учун курашиб жон фидо этганлар хотираси юракларимизда абадий яшашини англатади.

Азиз ватандошлар!

Биз мустақиллик йилларида ўзлигимизни англаш, тарихий-миллий қадриятларимизни тиклаш борасида нимаики иш қилаётган бўлсак, уларнинг барчасини ягона мақсад - кўпмиллатли халқимизни бирлаштириш учун қилмоқдамиз.

Ишончим комилки, Хотира ва қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу муаззам обидани бунёд этишда сидқидилдан меҳнат қилган қурувчи ва усталарга, меъмору- муҳандисларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат этгайсизлар.

Шундай хайрли ва олижаноб ишга ҳиссам қўшилганидан мен ҳам ғоят бахтиёрман.

Азиз юртдошларим!

Барчангизни бугунги улуғ айём билан яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, фарзандларимиз бахтини кўриш насиб этсин.

## «СЕН ДОИМО ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ!»



Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра, иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлган, юртимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган барча фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам эл-юртимиз обрўйини юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни ҳурматлаш мақсадида бу йил республикамизда 9 май - Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланди. Бу - Йўлбошчимизнинг нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида туриб фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонларимизга ғамхўрлик ва иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган фахрийларимизни ардоқлаш борасидаги хайрли ишларининг яна бир намунасидир.

Шу боис Хотира ва қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг бирламчи вазифаси, мамлакатимиз фуқароларининг маънавий бурчига айланди. Ушбу қутлуғ сана шарофати билан минглаб уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, совға-саломлар улашилди. Энг муҳими, уруш даҳшатларини кўрган, истибдод зулмини тортган ва истиқлол кунларига етишган фахрийлар билан мулоқотлар маънавиятимизни бойитмоқда, уларнинг ҳаётий тажрибаси Ватанимиз буюк келажагини яратишда беқиёс руҳий мадад эканлигини намоён этмоқда.

Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан амнистия эълон қилиш тўғрисидаги Фармонининг эълон этилиши ҳам мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри марказида Хотира майдони барпо этилди. Халқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чуқур ҳурматни ўзида мужассам этган бу майдон миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилган бўлиб, ҳақиқий зиёратгоҳга айланди. Жанггоҳларда ҳалок бўлган, истиқлол йўлида жон фидо айлаган ватандошларимиз исмлари ёзилган лавҳалар ҳар бир инсоннинг қалбида «Ўтганлар ёди - муқаддас» деган азалий ҳақиқатни уйғотади.

Майдон марказидаги Мотамсаро она ҳайкалида қайғу юрагини ўртаётган, аммо ўз фарзандини умрбод қалбида сақлайдиган ўзбек аёли сиймоси гавдалантирилган. Ҳайкал пойидаги «Сен доим қалбимдасан, жигарим!» сўзлари онанинг, бутун халқимизнинг дил изҳоридир.

9 май куни мамлакатимиз пойтахтидаги Хотира майдонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан уруш ва меҳнат фахрийлари, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари тўпланди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маросимда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари жанг майдонида ва меҳнат жабҳасида жасорат кўрсатган халқимизни Хотира ва қадрлаш куни билан чин қалбдан табриклади. Йўлбошчимиз ўтганларни ёдга олиш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш халқимизга хос азалий фазилат эканлигини таъкидлади. Бу қутлуғ санада асрлар давомида ҳуррият ва озодлик йўлида жонини фидо айлаган халқ қаҳрамонларини, миллатимиз фидойиларини эслаш ҳам қарз, ҳам фарздир, деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Мотамсаро она ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари қурбон бўлган эл-юрт ўғлонлари номлари ёзилган лавҳаларни кўздан кечирди, фахрийлар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз бу муқаддас масканга республикамизнинг барча вилоятларидан, узоқ-яқин жойлардан зиёратга келувчиларга етарли шароит яратиш, нуроний отахон ва онахонларнинг сафарларини давлат ҳисобидан ташкил этиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Тантанали маросимда Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари иштирок этди.

* * *

Шу куни кеч соат 21 да Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан артиллерия тўпларидан 21 марта ўқ узилиб, байрам салюти берилди ва мушакбозлик ўтказилди.

**Беҳзод УСМОН,**
**ЎзА мухбири**

*ҳисобот-сайловлар олдидан*

## БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловлар муносабати билан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тармоқ шаҳар қўмиталари ташкилий бўлим мудирлари, ҳисобот-сайловлар билан бевосита шуғулланувчи масъул ходимлар иштирок этдилар.

Йиғилишда илғор тажрибага эга бўлган, ташкилий бўлим мудирларига сўз берилди. Улар ҳам ҳисобот-сайловларга тайёргарлик юзасидан олиб бораётган ишлари, мазкур ишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб бердилар. Сўнг қатнашчиларнинг саволларига жавоб бердилар.

- Бу тадбирни ўтказишдан мақсад,-дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ташкилий бўлимининг мудири Ғайрат Зуннунов,-кенг фаолларга ҳисобот-сайловлар олдидан бугунги талабларни етказиш, улар билан маслаҳатлашиб олиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, камчиликлар бўлса биргаликда бартараф этишдир. Ҳақиқатан кўп саволлар тушди, аниқ бўлмаган нарсаларни ойдинлаштириб, ҳисобот-сайловларга оид барча масалаларни атрофлича гаплашиб олдик.

Йиғилишда шунингдек Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши томонидан тайёрланган «Ҳисобот ва сайловларни ўтказиш бўйича бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, бирлашган касаба уюшма қўмиталари, туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталарига услубий Тавсиянома» тарқатилди. Оғзаки маслаҳатлардан ташқари ҳисобот-сайловларни ўтказишда қандай материаллардан фойдаланиш, ҳисобот маърузасини, йиғилиш қарори лойиҳасини тайёрлаш ва бошқа масалалар юзасидан ёзма ҳужжатлар берилди.

**Б.СОЛИХОВ.**

## САҲОВАТ

Меҳр-оқибат, саҳоват, мурувват... Қўни-қўшниларнинг ҳолидан хабар олиш, ёрдамга муҳтож кимсаларга саховатпешалик кўрсатиб, маънан, руҳан мадад бағишлаш, имконлари бўлса моддий ёрдам кўрсатиш ота-боболаримиздан қолган мерос.

Не бахтким, азалий хайрли қадрият ва одатларимиз бугун давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Куни кеча Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ташаббуси билан пойтахтимизнинг Миробод тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 57-саккиз йиллик ёрдамчи мактаб ўқувчиларига 26 турдаги тиббий дори-дармонлар, шу жумладан биринчи тиббий ёрдам учун зарур бўлган воситалар топшириш тадбири ўтказилди.

Ушбу мактабда асосан марказий асаб тизими касалликларига чалинган болалар ўқитиладилар. Тадбирга йиғилган 263 ўқувчининг юз-кўзлари қувонч ва шодликдан ёришди.

- Биз меҳрибон кишилардан жуда миннатдормиз,- дейди мактаб раҳбари Светлана Железнякова. - Бу маскан болалари учун энг зарур воситалардан бири дори-дармонлардир. Ўқувчиларимизга кўрсатилган эътибордан ғоятда тўлқинландик. Ушбу савобли тадбир ташкилотчиларига 35 кишилик жамоамиз номидан катта раҳмат деймиз.

Совғаларни болаларга Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Алишер Ғуломов ва раис муовини Олимжон Рафиқовлар топширдилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА.**

*«Ишонч» бонг уради*

## ТАЛОН - ТАРОЖ

### Талимаржон шаҳридаги газ тармоқлари кесиб ташланмоқда

**Одатда олис манзилга отланган киши учун ялтираган ҳар нарса сув бўлиб кўринади. Яқинроқ боргач эса...**

**Биз қаламга олмоқчи бўлган воқеа ҳам гўё саробга ўхшайди.**

Шундайки, Қашқадарё вилоятининг саккиз туманида қишлоқ хўжалигидан юқори ҳосил олаётган деҳқонлар Амударё сувини 132 метр баландликка чиқариб бераётган миробларга ҳар қанча раҳматлар айтсалар арзийди. 7 та улкан насос станцияси орқали асрлар бўйи қақраб ётган чўлларга сув чиқарилиб, бўстонга айланди. Бугунги кунда Талимаржон сув омборида катта ҳажмда обиҳаёт сақланмоқда. Бироқ... 9 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Талимаржон шаҳрида аҳолини табиий газ билан таъминлаш бир неча йилдирки, пайсалга солиб келинмоқда. Ваҳоланки, тўртта маҳаллага бирлашган шаҳарчада оз эмас, икки мингга яқин оила истиқомат қилади. Бир томони қўшни Туркманистон билан чегарадош. 1990 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан газлаштириш ишлари бошланадиган бўлиб, 1994 йилда 18,6 км масофадаги газ қувурини ётқизиш мўлжалланганди. Ўшанда Талимаржон шаҳрида газ қувурлари тўлиқ ўрнатилганида аҳоли қанчалик қувонганди. 12 та газ тақсимлаш пункти ўрнатилган, шаҳар ичида 13 километрли ўрта босимли газ қувурлари тортилган эди. Муборак - Келиф магистралидан шаҳаргача бўлган 18,6 километрли қувурдан 11,1 километри монтаж қилиниб фақат 7,5 километрлик масофадаги қувур ётқизиш қолганди. Афсус, ҳануз қолган ишга қор ёғиб келмоқда.

- Аҳолининг қувончи узоққа чўзилмади,-дейди Талимаржон шаҳридаги 14-дорихона мудири Шермат Қобилов.- 31-йилдан буён шу ерда яшайман. Аёлларимиз ўчоқда овқат қилиб, чой қайнатаётганликларини кўриб, ачиниб кетамиз. Бу ҳақда ёзмаган газеталар қолмади, ҳисоб. Нима учундир 7,5 километрлик газ қувурини тортиб келиш аччиқ ичакдек чўзилиб келаяпти.

Беихтиёр савол туғилади: Айб кимда? Бот-бот Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 декабрдаги қарори, яъни Талимаржон шаҳрини газлаштириш режага киритилганлиги ҳақидаги хушхабар ёдга тушади. Бироқ, мазкур қарор асосида бирор ижобий иш амалга оширилмагани кишини ажаблантиради. Бир сўз билан айтганда 1990 йилда бошланган бу хайрли ишнинг бугун на эгаси, на сўровчиси бор.

Қаердаки лоқайдлик ҳукм сурса, ўша жойда бошбошдоқлик юз беради, деганлари рост экан. Шаҳарнинг «Тинчлик»,»Дўстлик»,»Наврўз» маҳаллаларида ўрнатилган ўрта босимли газ қувурлари кесиб кетилиб, газ тақсимлаш пунктлари талон-тарож қилинганлигига нима дейсиз? Бир пайтлар бу дастгоҳларни ўрнатиш учун озмунча маблағ ва ишчи кучи сарфланганми эди? Унда нега мутасаддилар атрофларида нималар содир этилаётганлигини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олаётирлар? Шаҳарнинг 15-16 уйлари ёнидаги газ тақсимлаш пунктининг қуруқ савлати қолган. Ичидаги ускуналари олиб кетилгани билан эса негадир ҳеч ким қизиқмаяпти.

16-уйнинг 1-хонадонида яшовчи Яхшимурод Бобониёзов ҳовлиси ичидан ўтказилган ўрта босимли газ қувури кесиб ташланган. 8 - уй 2-хонадонда истиқомат қилаётган Бўрибой Холмуродов эса тузуккина ўрнатилган газ устунларини олиб қўйганлигини қандай баҳолаш мумкин? Натижада 40 метрли масофадаги газ қувурлари ҳовлида осилиб турибди. 15-уйнинг 2 ва 1- хонадонлари ҳовлисидан ўтган ўрта босимли газ қувурлари ҳам молхона қуриш баҳонасида кесиб, олиб ташланган. Эргаш Хўжамов яшайдиган ҳовлидан ўтган газ қувурининг қисматида ҳам шундай кўргилик бор экан. Ажабо, автомашина учун гараж ва молхона қурганлиги учун давлатнинг катта маблағи эвазига қурилган газ қувурларини кесиб ташлаш шунчалик осонмикан? **Шаҳарнинг эгаси борми ўзи? Бу саволга Талимаржон шаҳар ҳокими Абдураззоқ Худойбердиев нима деб жавоб қиларкин?**

Албатта, бу билан ҳамма қўл қовуштириб ўтирибди, дейиш фикридан йироқмиз. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг «1998-2000 йиллар давомида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг Фармойиши чиқарилиб, аниқ тадбирлар белгиланганлигини таъкидлашни истардик. Зеро, бошланиб ташлаб кетилган иш ниҳоясига етказилишига ҳали ҳам умид бор. Ҳар қалай Талимаржон аҳли яхши ниятлар билан яшамоқда.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Фоторепортаж*

# ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА ИШ ҚИЗҒИН





Шу кунларда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларни Фарғона водийси билан боғлайдиган «Қамчиқ» довонидан ошиб ўтадиган Тошкент - Андижон - Ўш автомобил йўлини қайта таъмирлаш ҳамда жаҳон стандартига мос равишда қуриш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу қурилиш натижасида мазкур йўлнинг эни 25 метрга кенгайтирилади. Шу билан биргаликда баландлиги 2268 метр бўлган довоннинг 125-165 километр масофада тоннель қурилмоқда. Бу эса автомобилларнинг янада серқатнов бўлишига имкон яратади.

Ушбу улкан ишда Республика «Автойўл» концернига қарашли «Махсус таъмир» трести, «Тошавтойўл», «Наманганавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмалари жамоалари ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Довоннинг 145 километр масофада «Наманганмахсусавтойўлтаъмир» трестининг фидокор қурувчилари жонбозлик қилишмоқда. Айни пайтда мазкур участкада 8 та экскаватор, 10та булдозер, 19-автосамосвал, 8 та автогрейдер бетўхтов ишлаб турибди.

Бу ерда иш икки сменада ташкил қилинган бўлиб қурувчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент - Андижон - Ўш автомобил йўлининг қайта таъмирланиб ишга туширилиши нафақат юртимизга, балки қўшни давлатга ҳам катта наф келтиради.

**Суратларда: (ўнгда) 1. «Наманганмахсусавтойўлтаъмир» трести иш юритувчиси Абдумажид Хожиев.**
**2. Йўл қурилиши авжида.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Биздан сўрабсиз*

# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ҚАЧОН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

**Ҳозирги босқичда меҳнат бозори ҳам тобора такомиллашиб бормоқда. Технологиялардаги изчил ўзгаришлар, бошқарув тизимининг ишлаб чиқаришга мос равишда мукаммаллашиб бориши натижасида халқ хўжалигининг турли тармоқлари ўртасида ишчи кучига талаб миқдорини ўзгартириб юборди. Баъзи корхоналарда оммавий равишда ходимлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш ҳоллари тез-тез кўзга ташланмоқда. Кўпинча, шу хилдаги муносабатларни амалга ошириш жараёнида меҳнат қонунчилиги талабларининг бузилиш ҳоллари учрайди.**

Бу каби қонунбузарлик асосан раҳбар ходимларнинг ҳуқуқий саводсизлиги ёхуд уларнинг лоқайдлиги туфайли юз бермоқда. Ваҳоланки, меҳнат кодексида меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиблари бекаму кўст, батафсил баён қилинган. Жумладан, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишнинг 6 хил тури мавжуд. Уларнинг ҳар бир тури учун турлича огоҳлантириш муддатлари кўзда тутилган. Масалан: 100-модданинг 2-қисми, 1-банди билан меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнида иш берувчи ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш шарт. Бундан ташқари, мазкур асосга биноан, меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда иш берувчи касаба уюшма ташкилоти ҳам икки ой аввал огоҳлантирилиши зарур. Шунингдек, агар ишдан бўшатилаётган ходим касаба уюшма ташкилоти аъзоси бўлса, у ҳолда иш берувчи қўшимча равишда маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб, бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ушбу тартиб меҳнат кодексининг 25-моддасида, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида мустаҳкамланиб қўйилган.

Огоҳлантириш муддати давомида илгари қонунчиликда кўзда тутилмаган бир янгилик, яъни томонлар учун қулайлик яратилди. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш муддати унга мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Ходимнинг малакасига, соғлиғига, тўғри келадиган бошқа иш таклиф қилиш масаласи ҳам шартномада ўз аксини топмоғи керак. Бу тадбир амалда кўпинча қўлланилмайди ва ходим бошқа корхоналардан иш излаб юришга мажбур бўлади.

Шуни айтиш керакки, огоҳлантириш муддатига кирмайдиган фавқулодда ҳолатлар ҳам бор. Меҳнат кодекси 102-моддасининг 6-қисми талабига кўра, ходимни огоҳлантириш вақтига меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек, давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақт қўшилмайди.

Бинобарин, барча босқичлар амалга оширилгандан кейингина меҳнат шартномасини, иш берувчининг ташаббусига кўра, бекор қилинишини қонуний амалга оширилган, деб ҳисобласа бўлади. Лекин, кўпинча бу масалада раҳбарлар шошқалоқликка ёхуд лоқайдликка йўл қўймоқдалар, натижада эса қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етаяпти. Ана шундай ҳолларда корхонада фаолият кўрсатаётган ҳуқуқшунос ёки ходимлар бўйича мутахассислар раҳбарнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатини тушунтириб бериши лозим. Ўз навбатида жойлардаги бошланғич касаба уюшмалари ходимлари қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилмоғи керак. Чунки, ходимлар ўзларининг номидан чақиришга вакиллик органини бўлиши-касаба уюшмаларига ваколатларини омонат беришган, ўз тақдирларини ишониб топширган. Зеро, омонатга вафо қилиш уларнинг бурчидир.

**А.САФАРОВ**
**Касаба уюшмалари Сирдарё вилоят кенгашининг ҳуқуқий бўлими мудири.**

# OLAMDA NIMA GAP

**Т Б И Л И С И. Бу ерда Греция Президенти Константинос Стефанопулос билан Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, мамлакат парламенти раиси Зураб Жвания ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди. К.Стефанопулос Грузия ҳукуматининг бошқа вакиллари билан ҳам учрашади.**

**Ташриф доирасида Грузия билан Греция ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган бир неча ҳужжат имзоланиши кўзда тутилган.**

* * *

**Д Е Ҳ Л И.** *Бангладеш аҳолиси ўтган ҳафта сўнггида юз берган фожиалардан саросимада. Мамлакатнинг Нарсингди шаҳрида «қўлбола» спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида 100 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди. Яна 36 кишининг ҳаёти хавф остида. Айни пайтда бу жиноят бўйича тергов олиб борилмоқда.*

*Иккинчи фожиа Мегхна дарёсида юз берди. Кучли тропик тўфон пайтида йўловчи паром чўкиб кетди. Маълумотларга қараганда, 300 йўловчидан 100 нафарининг ҳаёти сақлаб қолинган, холос.*

* * *

**Р А Б О Т. Араб давлатлари ўртасида имзоланган террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция кучга кирди. Расмий хабарларга қараганда, айни пайтда 8 давлат мазкур конвенцияни ратификация қилган. Улар Жазоир, Баҳрейн, Миср, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари, Фаластин, Саудия Арабистони ва Тунисдан иборат.**

**Террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция 1998 йил 22 апрелда Қоҳирада ушбу давлатларнинг ички ишлар вазирлари томонидан имзоланган эди.**

* * *

**Г А А Г А.** *Нидерландия ҳукуматининг мажлисида косоволик қочқинлардан яна икки минг нафарини қабул қилиб, мамлакат ҳудудига жойлаштиришга қарор қилинди.*

*Айни пайтда Нидерландияда қочқинлар учун учта махсус лагер ташкил этилган бўлиб, уларга икки мингдан зиёд одам жойлаштирилган.*

* * *

**В А Ш И Н Г Т О Н. Жаҳон Банки Литва таълим тизимини такомиллаштириш учун ушбу мамлакатга 31,1 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди.**

**Шу билан Жаҳон Банкининг 1992 йилдан буён Литвага берган кредитлари миқдори 301,1 миллион АҚШ долларига етди.**

**(ЎзА)**



**Магдебург...**

*Янги китоблар*

# ҲАЁТИЙ ЛАВҲАЛАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни яқинда таниқли журналист ва ёзувчи Мақсуд Қориевнинг «Эзгуликка интилиб» деб номланган китобини нашрдан чиқарди. Асар уч қисмдан иборат.

Биринчи қисм - «Онам сўзлаб берган ривоятлар» деб аталади. Унда муаллифнинг болалик ва ёшлик даврини эслатувчи хотиралар, онасининг тарбияга оид қимматли маслаҳатлари, ўгитлари ва ривоятлари хусусида сўз боради.

Иккинчи қисм- «Ҳаётий сабоқлар»да академик Соли Ражабов, драматург Баҳром Раҳмонов, ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидов, атоқли шоирлар Ғафур Ғулом ва Мақсуд Шайхзода, ёзувчи Саид Аҳмад ва бошқа машҳур кишилар ҳақидаги унутилмас воқеалар баён қилинган.

Учинчи қисм - «Юрагимга яқин кишилар»да эса газеталар муҳарририятларида бирга ишлаган ҳамкасблари, шогирдлари, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган олимлар, санъаткорлар, ноширларни эсга олади, уларнинг ҳаётидан қизиқарли лавҳаларни тасвирлайди.

Китобда шунингдек, буюк алломаларнинг аҳлоқ-одоб, ҳалоллик, камтаринлик каби инсоний фазилатларни тарғиб этувчи ҳикматли сўзлари алоҳида бетлардан жой олган.

Сермазмун ҳаёт саҳифаларини ифодаловчи бу рисола содда ва самимий тилда ёзилган бўлиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Китоб адибнинг шахсий архивидан олинган суратлар билан безатилган.

**Темур РАСУЛЕВ.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**Саволларингизга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради.**

**Савол: Касбим ўқитувчи. «Соғлом авлод учун» ордени низоми ўзгардими? Газ идорасига борсам, бу низом ўзгарган, ўқитувчи экансиз, фақат 40 квадрат метр яшаш жойига имтиёз бор, бошқа ҳеч қандай имтиёз йўқ дейишди.**

**Б.Юсупов, Хоразм вилояти, Хозарасп тумани.**

**Жавоб**: «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

- йилига бир марта (ҳар икки томонга) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида темир йўл, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобил транспортида шахсан бепул юриш;
- шаҳар йўловчилар транспорти, қишлоқ жойларида автомобил транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) шахсан бепул фойдаланиш;
- имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонларни текин олиш;
- квартира ва коммунал хизматлари учун ҳақ тўлашдан озод бўлиш.

Биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар бир вақтнинг ўзида энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти оладилар.

Кўриб турганингиздек, «Соғлом авлод учун» ордени низомида ҳеч қандай ўзгариш йўқ!

**Савол: 30 йилдан буён шаҳарда яшаб, қишлоқда ўқитувчилик қиламан. Газ, электрга 50 фоиз миқдорида пул тўлайман. Қишлоқ ўқитувчиларига ўхшаб бу имтиёздан 100 фоиз фойдаланаётганим йўқ. Ҳар куни шаҳардан қишлоққа қатнаб ишлаётганимизни ҳисобга олиб транспортдан бепул фойдаланишимиз мумкинми?**

**О.Бегиев, Бухоро вилояти, Олот тумани.**

**Жавоб**: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги «Турли хил мактаб ўқитувчилари, болалар уйлари, тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш» ҳақидаги Фармонига биноан шаҳарда яшовчи педагог ходимлар маиший хизматларга ҳақ тўлашдан 50 фоизга озод этиладилар. Ўқитувчиларга бериладиган имтиёзлар уларнинг иш жойига қараб эмас, балки яшаш жойига қараб белгиланади. Транспортдан бепул фойдаланишга келсак, бу масалани маҳаллий ҳокимиятлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб ҳал этадилар.

**Савол: Фарзанди 2 ёшга тўлгунга қадар бериладиган нафақа пули, мазкур таътил тугамасдан туриб ишга тушиб кетган аёлларга қай тарзда тўланади. ХТБ ҳисобчиси сиз тўлиқ ставкада ишлаяпсиз, шунинг учун нафақа тўланмайди, деди. Нафақа пули, ярим ставкада ишлаётган аёлларга тўланар экан. Шу тўғрими?**

**Бир гуруҳ ўқитувчи аёллар, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани.**

**Жавоб**: Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодексининг 234-моддасида кўрсатилишича аёл ҳомиладорлик таътили тугамай туриб: ўз ҳоҳиши ва имкониятига кўра ишга чиқиши мумкин. Агар аёл тўлиқ бўлмаган иш шароитида ишлаётган бўлса ёки уйда иш берувчининг ишини бажараётган бўлса нафақа тўланади. Қолган ҳолларда мазкур нафақа берилмайди.

# МАҲАЛЛАДА СУД

**у кўчада бемақсад тентираб юрган ёшлар, уларнинг ота-оналарига катта сабоқ бўлди**

**Суднинг қора курсисида навқирон ёшида беш нафар йигит ўтиришибди. Ҳали ўттиз баҳорни ҳам қаршиламаган бу йигитларнинг қонун олдида ҳам, маҳалладошлари олдида ҳам бошлари эгик. Онаизор қозининг кўзларидан кўзини узолмайди. Куни кеча бағрида оғирини енгил қилиб, ҳар бир сўзига хўп, дея жавоб берган, бир юмушни айтса киприк қоқмай бажарган фарзандига қандай ҳукм раво кўриларкан. Ахир, эртага уйлантирсам, ширин-шакар набираларимни бағримга боссам армоним йўқ, дея қанчадан-қанча кеча ва кундузни ширин хаёллар оғушида ўтказмади. Ота эса маҳалладошларининг кўзларига тик боқа олмайди. Гўё ҳамма уни, ана қараб қўйинглар, бу фалончининг отаси, деб кўрсатаётгандай. Отанинг бошидан — Қаерда хато қилдим, нега менинг фарзандим бугун шу кўйга тушиб ўтирибди?- деган хаёллар ўтади. Маҳалла аҳли олдида бундан кейин ўғрининг отаси, деган номни кўтариб юриш осонми? Уни шу саволлар қийнайди. Очиқ суднинг маҳаллада ўтказилиши отанинг ҳам, онанинг ҳам юрагини эзиб юборди. Чунки суд ўтаётган бинога бутун маҳалла аҳли йиғилган. Уларнинг кўзларига қараш оғир. Қариндош уруғларнинг бошлари эгилган. Атрофга юрак ютиб тик қарай олишмайди. Нафс қулига айланган йигитларнинг иснодини кўтариш ота-онага ҳам, қариндош-уруғларга ҳам осон эмас. Қинғир ўсган дарахтни тўғрилаб бўлмаганидек, энди уларнинг хатосини ҳам тўғрилаб бўлмайди.**

- Ўғлим қўйдай ювош эди. Неча бор Анварга қўшилмагин, деб зор қақшадим. Мана оқибати, шу кўйга тушиб ўтирибди. Ҳурматли судялар, адолат юзасидан ўғлимнинг ёшлигини, илгари судланмаганлигини ҳисобга олишларингизни сўрайман,- дейди Нодирнинг онаси суд залида.

Нодирнинг дўстларини кимлигини, Анварнинг қандай хулқли йигит эканлигини кўра била туриб, ўз фарзандини тўғри йўлга бошлай олмаган онанинг сўзлари бу. Бугун эса кеч. Фарзанди қонун олдида жавоб беришга мажбур.

...Ҳамма бало ўша кундан бошланди. 1998 йилнинг 6 декабрь куни уларнинг ҳаётида маҳкумлик томон қўйилган дастлабки қадам бўлди. Шу куни Анвар билан Нодир иккиси маслаҳатлашиб, кеч соат 23.00 ларда «Чорвадор» сут-товар фермасига кириб, молхонадан икки бош қорамолни ўғирлаб чиқишди. Келишилган жойга молни етаклаб келишиб, Асадулланинг ЗИЛ-431410 русумли давлат белгиси 96-90 ДДЛ автомашинасига ортиб, Чирчиқ шаҳрига йўл олишди. У ерда Асадулланинг танишлари Ойбек ва Орифларга молларни Дўстлик бозоридан сотиб олганмиз, деб 110 минг сўмга пуллаб юборишди. Ҳамирдан қил суғургандек дастлабки овлари юришган уччала ўғри пулларни бўлиб олишди.

Аслида ана шу биринчи ўғирлик уларни янги-янги режалар тузишга илҳомлантирди. Осонгина пул топиш мумкинлиги, уларни ҳеч ким суриштириб келмаганлиги янада дадил ҳаракат қилишларига замин яратди. Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас уч ўртоқ яна ишга киришди. Бу сафар улар фуқаро Бахтиёр Муҳаммадиевнинг ҳар бири бозор нархида 100 минг сўмдан баҳоланган иккита ҳўкизини ўғирлаб, Чирчиқ шаҳридаги танишларига пуллаб келишади. Пулларни ўзаро тақсимлаб, чўнтакларини мўмай даромадга тўлдиришгач, иштаҳалари карнайдай очила бошлади. Энди улар davраларига ўзига яқинларини жалб қилиш, ўғирлик доирасини кенгайтириш, кўпроқ фойда қилиш режаларини туза бошладилар.

Улар гуруҳларига Баҳодир Шукуров ва Акмал Маматмуродовларни ҳам қўшиб олишди. Навбатдаги ўғирликда фуқаро Қурбонов Исматнинг молхонасидан икки бош сигирини етаклаб чиқишди. Бу сигирлар ҳам Чирчиқ бозоридаги танишларга сотиб юборилди.

Уларнинг сўнгги саёҳатларига 1999 йилнинг 11 январ кунги ўғирликларидан кейин чек қўйилди. Бу гал улар «Чорвадор» сут-товар фермаси молхонасидан уч бош қорамолни ўғирлаб, Чирчиқ шаҳрида пуллаб қайтишаётганларида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Уюшган жиноий гуруҳ устидан бўлиб ўтган очиқ суд йиғилиши йигитлар яшайдиган «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

- Очиқ судни қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этишимиздан мақсад,-дейди Дўстлик туман ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Дўстмурод Нормаматов,- аввало, жиноятчиларни жазолаш эмас. Уларнинг қилмишларини оқибати нималарга олиб келганлигини халққа кўрсатиш. Бугун кўчада бемақсад юрган ёшлар ҳам улардан хулоса чиқаришсин. Фарзандини кечқурунлари уйга кеч келиши билан иши бўлмаган, унинг юриш-туришини назорат қилмаган ота-оналар ножўя ҳаракатлар, ўйламай босилган қадамлар нималарга олиб келганлигини кўриб қўйишсин. Биронта ота-она: «Фарзандим ўзи ноқобил эди» деб айтмайди. Номақбул ишларнинг ҳаммаси тарбияга, назоратсизликка боғлиқ эканлигини халққа тушунтириш лозим. Шу боис эл олдида очиқ суд жараёнининг таъсири кўпроқ бўлади. Ўйлайманки, бу бесамар кетмайди.

Туман судининг ҳукми билан Асадулла Улуғмуродов ҳамда Анвар Қодиров 12 йилга, Нодир Мусақулов 11 йилга, Баҳодир Шукуров ва Акмал Маматмуродовлар 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг мол-мулклари ва Дўстлик туман «Юлдуз» деҳқон-фермер хўжалигига тегишли ЗИЛ-431410 русумли юк автомашинаси жиноятни амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланганлик учун давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоланди. Лекин фарзанд ўстириб, унинг камолини кўраман, деган ота-оналарнинг қадди ўғлини кута-кута дол бўлмасмикан? Бугун қирчиллама ёшида панжара ортида умрининг энг навқирон йилларини ўтказадиган йигитларнинг фарзандлари уларни ўн-ўн икки йил кутар. Лекин шунча йил тенгдошлари оталарининг қаршисига чопганларида кўзларида аламли изтироб билан ўйламай босилган қадами учун ота меҳрига зор бўлиб ўтган кунларининг азобини юракларидан ўчириб ташлай олармикан? Бугун фарзандим қўйдай ювваш эди, нима бало урди, деб ўзини оқлаган онанинг ўн йиллаб фарзанд дийдорини соғиниб ўтказадиган азобли кунларини ноқобил фарзанд тушунармикан?

Асадулла билан Баҳодирлар фарзандларининг соғинчи панжара ортида ҳам азоб беришини тасаввур қила олармикинлар? Йўқ. Бу ҳис туйғуларни бошидан кечира оладиган, ҳар бир қадамини ўйлаб боса оладиган одамгина жиноят кўчасини танламайди. Бугун ҳар биримиз ўз фарзандимизнинг тарбиясига бефарқ бўлмасак, уларнинг юриш-туришидан огоҳ бўла олсак, фарзандларимизнинг тавқилаънати бўйнимизга осилмайди.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ.**

# СЕНГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ, «ҲАВАС»!

**Куни кеча Тошкентда яна бир мароқли мусобақа — IV-анъанавий «Ҳавас» кубоги турнири ниҳоясига етди. Теннис оламида ўзига хос янгилик бўлган бу баҳслар ғоят қизиқарли кечди. Раҳбар ходимлар ўзларини кортларда худди профессионал спортчилардек тутишди. Баҳсларда, айниқса Наманган вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов, Хоразм вилояти ҳокими Ислом Бобожонов, Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиев, Сирдарё вилояти ҳокими Ўктам Исмоилов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Адҳам Миржалилов ҳамда бошқа иштирокчиларнинг мунтазам теннис билан шуғулланишлари яққол сезилиб турди.**

Бу йил «Ҳавас» кубоги учун ўтказилган баҳсларда аёл раҳбар ходимларнинг ҳам иштирок этиши турнирга ўзгача файз киритди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова ва С. Синицина жуфтлиги кўп нарсаларга қодир эканликларини исботлай олди. Улар барча турнир қатнашчилари ҳамда йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлишиб, «Турнир маликаси» совриндори бўлдилар.

«Ҳавас»да айниқса Наманган вилояти вакиллари кўтаринки руҳда қатнашдилар. Вилоят ҳокими Т.Жабборов ҳамда В.Дербенев жуфтлиги ярим финал баҳсларида маҳорат кўрсатиб, чаққон теннисчилар жуфтлиги И.Чиженок ва Р.Сулаймоновлар устидан ишончли ғалаба қозондилар.

Яна бир Наманган вилояти вакиллари М.Усмонов ва О.Носиров жуфтлиги ярим финалда А.Миржалилов ва Ю.Колесниченко жуфтлигини мағлуб этди.

Томошабинлар кўз ўнгида ҳаяжонли финал баҳслари бошланди. Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов ҳамда «Наманганагромашсервис» бирлашмаси раиси Мухтор Усмонов жуфтликлари кортга чиқдилар. Бу баҳсда Тўлқин Жабборовнинг «иродаси»га барча қойил қолди. У чинакам профессионалларга хос вазминлик билан ўйин шиддатини ўз измида сақлаб турди ва охир оқибатда бу жуфтлик IV-анъанавий «Ҳавас» кубогини қўлга киритди.

Биз «Ҳавас» кубоги мусобақалари қатнашчилари, ҳамда томошабинлар билан суҳбатлашдик.

**Тўлқин Жабборов, Наманган вилояти ҳокими, «Ҳавас» кубоги соҳиби**:

*- Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан раҳбар ходимларнинг спорт майдонларида томошабин эмас, балки қатнашчи бўлишлари айни муддао бўлди. Чунки, замонавий раҳбар айни пайтда ғайратли, соғлом ва барчага ўрнак бўлмай туриб ўз зиммасидаги оғир ва масъул вазифани уддалай олмайди. Мен доимо шунга амал қиламан, теннисдан ташқари футболни ҳам яхши ўйнайман. «Ҳавас» турнирида илк бор иштирок этишим. Омад экан, ғолиб бўлдим.*

**Мухтор Усмонов, «Наманганагромашсервис» бирлашмаси раиси. Турнирнинг 2-ўрин соҳиби**.

*- Вилоятимизда теннисни ривожлантириш учун бир талай ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари спортнинг бошқа турлари ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ростини айтсам, турнир менга хуш ёқди. Насиб этса, кейинги турнирларда ҳам қатнашиш ниятим бор.*

**Шокиржон Қодиров, томошабин**:

*- Бу йилги мусобақалар чиндан ҳам ҳавас қилгудек. Раҳбарларнинг кортларда ўзларини эркин тутишлари, ҳамда бардошли ҳаракатлари менда катта таассурот қолдирди. «Ҳавас» чиндан ҳам ажойиб мусобақага айланиб бормоқда.*

**Орзукул Файзиев, томошабин**.

*- «Ҳавас»чиларга ҳавас қилса арзийди. Менга айниқса, Тўлқин Жабборов, Ўктам Исмоиловларнинг кортлардаги ҳаракатлари ёқди.*

Ва, ниҳоят спортчи раҳбарларни тақдирлаш маросими ҳам бошланди. Кўтаринки руҳда ўтган «Ҳавас» турнирининг ғолиби Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов, «Ҳавас» турнири кубогини ҳамда «Энг чаққон ўйинчи» совринини қўлга киритди.

Турнирнинг иккинчи совриндори «Наманганагромашсервис» бирлашмаси раиси Мухтор Усмонов баҳсларнинг «Энг маҳоратли теннисчи»си совриндори бўлди.

Ғолиблар ва иштирокчиларнинг барчасига эсдалик совғалари топширилди.

Турнирдан кўриниб турибдики, «Ҳавас» аллақачон оммавийлик томон юз тутган, жойларда раҳбарлар ўз ташаббуслари билан теннис, умуман спортнинг бошқа турлари ривожига амалий ҳисса қўшмоқдалар.Илгарилари раҳбарлар фақат мусобақаларни очиб бериш билан кифояланган бўлса, энди ўзлари барчага бош-қош бўлиб спорт мажмуаларининг қатнашчиларига айланмоқдалар.

Зеро, жисмоний гўзаллик ҳамиша соғломлик, жўшқинлик, ишлардаги унумлилик тушунчалари билан уйғунлашиб бораётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбири.**

## ЯНГИ МОСЛАМА

Самарқандаги «Кинаи» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги мослама ишлаб чиқарилмоқда. Уни конструктор Юрий Ким ихтиро этди. Ушбу универсал мослама далаларга минерал ўғит сепишга мўлжалланган. Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 200 та ана шундай мослама учун буюртма берди. Унинг афзаллиги шундаки, сеялка вазифасини ҳам уддалай олар экан.

## ЧАҚҚОНЛАР ҒОЛИБ

Қорақалпоғистон Республикаси савдо ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси тармоқ ходимларининг спартакиадасини ўтказди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Наманган, Хоразм вилоятларининг вакиллари шашка, шахмат, стол теннисси каби спорт турлари бўйича беллашдилар. Натижада Сурхондарё вилояти спортчилари биринчи, хоразмликлар иккинчи, наманганликлар эса учинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа ғолибларига қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.



Мармар пиёлада рақс этар инжу...

*Касаба уюшмалари спорти*

## БАРЧИНОЙЛАР БЕЛЛАШГАНДА

«Аёллар йили» муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан тармоқлараро касаба уюшмалари ходимлари ўртасида спортнинг беш тури бўйича ўтказилаётган беллашувлари ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Хабарингиз бор, шу йилнинг 18-21 май кунлари Самарқанд шаҳрида бу босқичнинг финал қисми бўлиб ўтади. Унда туманлараро ўтказилган мусобақанинг вилоятдаги ғолиблари учрашадилар. Айни кунларда деярли барча вилоятлар ўз ғолибларини аниқлаб олдилар.

7-8 май кунлари Чирчиқ шаҳрининг «Олмос» спорт-соғломлаштириш маркази ҳамда «Кимёгар» спорт заллари мухлислар ҳамда меҳмонлар билан тўлиб-тошди. Бу ерда Тошкент вилояти туманларининг ғолиб жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Велосипедчилар, дзюдо, боксчиларнинг кўргазмали чиқишлари, «Шодлик» , «Радуга» хореография бадиий жамоалари ҳамда 76-интернат мактаб ҳаваскорларининг бадиий чиқишлари барчага бирдек кўтаринки кайфият улашди.

Жамиятда аёллар мавқеини ошириш, уларни жамоат ишларига кўпроқ жалб қилиш бугунги сиёсатимизнинг бош мавзусидир. Соғлом авлод ҳақида қайғурмоқ, соғломлаштириш ишларига кўпроқ эътибор қаратмоқни тақазо этади. Томирида Барчиной, Тўмарис каби ўтмишдошларимизнинг қони жўш ураётган аёлларимиз бугунда жисмоний тарбия, спортга қандай қарашмоқда? Мусобақа иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатимиз айнан шу саволлар атрофида бўлди.

Жамила АНОРБОЕВА, Оққўрғон туман, Ибн Сино номли 3-ўрта мактаб рус тили ўқитувчиси:

- Аёл киши учун албатта оила биринчи ўринда туради. Биз соғлом жамият қурмоқдамиз. Соғлом жамиятга соғлом авлод керак.Ваҳоланки шундай экан, фарзанднинг соғлом туғилиши учун онанинг соғлиги муҳим омилдир.

Нилуфар ТАМАБОЕВА, Оққўрғон тумани, 48-таянч мактаб котибаси.

- Жамила опа жуда тўғри айтдилар. Биласизми, тан олиб айтиш керак, бизнинг аёлларимиз спорт билан шуғулланишдан қандайдир ўзларини олиб қочадилар. Улар орасида кўпроқ тушунтириш ишларини олиб бориш керакмикан, деб ўйлаб қоламан. Аёлларни спортга жалб қилишимиз керак. Улар ўртасида бугунгидек турли хил мусобақалар уюштиришимиз лозим. Биз учун мусобақанинг шарти муҳими ғалаба эмас, балки ўзимизнинг нимага қодир эканлигимизни синовдан ўтказиш. Биламан, аёллар жуда тиришқоқ, кучли иродага эга. Демоқчиманки, спорт билан мунтазам шуғуллансалар, яхши натижаларга ҳам эришишлари мумкин.

Икки кун давом этган мусобақалар чинакам қизғин курашлар остида ўтди. Умумжамоа ҳисобида давлат муассасалари касаба уюшма ходимлари биринчи, агросаноат мажмуи касаба уюшма ходимлари иккинчи, халқ таълими касаба уюшма ходимлари учинчи ўринларни эгалладилар. Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар улашилди. Ушбу спартакиада ғолиблари ўз навбатида Самарқандда бўлиб ўтадиган финал босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. Биз ҳам уларга кейинги беллашувларда омадлар тилаб қоламиз.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

***● Сувнинг иссиқлик ўтказувчанлик қобилияти ҳавонинг иссиқлик ўтказувчанлигига қараганда 30 марта юқори.***

***● Агар сувнинг ҳарорати 20 даражадан паст бўлса-совуқ, 21-32 даража бўлса-салқин, 33-35 даража бўлса-илиқ, 36-39 даража бўлса-иссиқ, 40 даража ва ундан юқори бўлса -қайноқ ҳисобланади.***

***●Ҳар йили ҳавога 6 миллиард тонна карбонат ангидрид кўтарилади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бунча миқдордаги карбонат ангидрид 100 йил мобайнида ер куррасининг ўртача ҳароратини 0,8 даражага оширади. Агар саноат ҳозиргидек суръат билан ўсаверса, 2080 йилда ерда ҳаво ҳарорати 2,2 даража кўтарилади.***

***●Киши осойишта ҳолатда бир дақиқада 16-20 марта нафас олиб, нафас чиқаради.Жисмоний иш бажарганда кишида ҳаво алмашиниши кучаяди.***

***● Натижада у ҳар гал нафас олганда ҳаво олиб, ҳаво чиқариш ҳажми ортиб, 3 метрга етади.***

***● Танани қоплаб турган терининг умумий сатҳи катта ёшдаги кишиларда ўртача 1,5 квадрат метрдан иборат бўлади.***

*Эл севган санъаткорлар*

## ИҚБОЛИНГ КУЙЛАЙМАН, ЎЛКАМ!

У ўз устида тинимсиз изланди. Узун тунларни тонгга улаб, ижод қилди. Мухлисларига кун сайин янги-янги қўшиқлар ҳадя этди. Мафтункор куйлар басталади. Ишқ-муҳаббатни, меҳнатни ва она - Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлари билан элу юрт олқишига сазовор бўлди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллиги арафасида Ўзбекистон Президенти фармони билан унга «Шуҳрат» медалининг берилиши ҳам эъзоз нишонасидир.

Т.Парпиев 1959 йили Асака туманидаги Қадим қишлоғида санъаткор оиласида туғилган. Мактабни битиргач, Андижондаги Тўхтасин Жалилов номли санъат билим юртида, сўнг Тошкент Давлат консерваториясида ўқиган. Оилали, уч нафар ўғли бор. Турмуш ўртоғи ҳамшира.

Эл суйган ҳофизнинг эзгу ниятларидан бири волидаи муҳтарамасини ҳаж сафарига юбориш эди. Не бахтки, бу йил унинг орзуси амалга ошиб, 75 ёшли онаси каъбатуллоҳни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлди.

1985 йили илк бор катта саҳнага чиқди. «Ўзбекистон оҳанглари» дастаси таркибида Москвага, Бутунжаҳон талаба ва ёшларнинг XII фестивалида иштирок этиш учун борди. Анжуман қатнашчиларининг эътиборини қозонди.

Юқорида айтганимдек, у доимий изланишда. Санъаткор Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Турсуной Содиқова, Тўлан Низом, Тоҳир Мирзо, Қамчибек Кенжа, Исмоил Тўлак, Холдор Вулқон, Қурбон Эшмат каби сўзни эъзозлайдиган шоирлар билан ҳамкорлик қилади. Унинг репертуарида 100 дан ортиқ қўшиғи бор, 30 та қўшиғи Республика радиосининг олтин фондига киритилган, 20 дан зиёд янги қўшиқлари ҳали магнит лентасига ёзилмаган. Ватанни улуғловчи «Андижон бу», «Нега йиғламайсан», «аҳли Андижон» (М.Юсуф), «Андижонлик ойимлар» (Т.Содиқова), «Андижонга келинг»(Т.Низом), «Тошкентим-пойтахтим»(Э.Қурбон) сингари ажойиб қўшиқлар бугун майдонда мамлакатимизнинг энг машҳур санъаткорлари жўр бўлиб айтган ва юртбошимиз олқишига сазовор бўлган «Халқ бўл элим» (М.Юсуф) қўшиғининг муаллифи ҳам Турсунбой Парпиев бўлади.

— Президентимизнинг ёшларда она юрт-Ватан туйғусини уйғотиш ҳақидаги фикрлари ҳамиша ёдимда, дейди ҳофиз биз билан суҳбатда. Ўзи ўсган заминга меҳр қўйган инсонлар юрти ҳамиша обод бўлиб келган. Агар мамлакатимиз истиқболининг порлоқ бўлишини, тинчлик-осойишталигимиз абадий бўлишини истасак, буни асло ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Суҳбатимиз поёнида Турсунбой акадан ҳаётидаги қизиқ воқеалардан гапириб беришини сўрадик.

Бироз ўйланиб олгач, ҳаммамиз севиб тинглайдиган «Озодани севаман мен, Озодани» қўшиқ тарихига оид латифанома хотираларини айтиб берди:

«Бир куни Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф билан поездда Тошкентдан бирга қайтдик. Купеда «Ўзбек аёли» деган шеър ёзиб берди. Манзилга етиб келгач, уни уйимга таклиф қилдим. Роса, ёзилиб, юракдан гаплашдик. Шоир билан ҳамкорлигимиз натижаси сифатида шу куни «Озодани севаман мен, Озодани» қўшиғи дунёга келди.

Табиийки, бу қўшиқ кўп сонли мухлисларимда катта қизиқиш уйғотди. Кўпчиликдан «Озода ким ўзи?», «Бу қўшиқ хотинингизнинг рашкини келтирмайдими, қўшиғингизни янгамиз қандай қарши олди» қабилидаги саволларни эшитдим. Турмуш ўртоғимни ҳам дугоналари шу йўсиндаги саволлар билан ҳоли жонига қўйишмас экан.

Бир куни Холдор Вулқон билан кўришиб қолдик. Ҳол-аҳвол сўрашгач, овозини пастлатиб «Ука, сиздан илтимос, эски шаҳарга йўлингиз тушиб қолса, бизникига кириб, келинойингизга «Озодани» Холдоржон акам эмас, Муҳаммад Юсуф ёзиб берган, кўнглингиз хотиржам бўлсин деб қўйинг» - деди кулимсираб.

Айтишича, шоир акамиз ёшлигида шу исмли қизга кўнгил қўйган, бироқ тақдир тақозоси билан бошқасига уйланган экан. Қўшиқда ёзилганидек, ҳозирда у аёлнинг ҳам бир ўғлию, бир қизи бор эмиш. Шу боис қўшиқни тинглаган келинойимиз хўжайини билан роса жанжаллашибди. Ҳофиз укангизга қўшиқ ёзиб бериб юрардингиз, ҳойнаҳой, биринчи муҳаббатингизни эслаб, «Озода»ни ҳам сиз ёзгансиз, деб хуноб қилибди.

Мана шунақа гаплар. Санъаткор ва шоирларга осон тутиб бўлмайди. Уларнинг хотини бўлиш ҳам қийин, албатта».

Турсунбой Парпиев давр билан ҳамнафас, ҳозиржавоб санъаткор.

«Аёллар йили» муносабати билан у мунис аёлларга атаб ҳам 2-3 та яхши қўшиқ яратди.

Биз «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси вилоят бўлими хушовоз хонандаси, таниқли бастакор, халқимизнинг суюкли ҳофизи Т.Парпиевнинг бундан буёнги ижодий изланишларида муваффақият тилаймиз.

**Шукрулло НЕЪМАТОВ.**

*Ҳар тўғрида*

## ҲИД СЕЗИШ СИРЛАРИ

Бундан бир неча йил муқаддам Финландия давлат кенгаши мамлакатда темир рудаси конини топган кишига катта пул мукофоти таъсис этган эди. Бу мукофотни олиш умидида юзлаб геологлар енг шимариб кон қидиришга киришдилар. Лекин мазкур пулни олиш уларнинг биронтасига насиб этмади. Пул мукофоти Лари лақабли немис авчаркасининг эгаси ва ўргатувчиси Петти Матсеонга берилди.

Ларининг «геологик» қобилияти шунда эдики, у тоғ жинсларининг ҳидидан ажрата олади. Маълумки, кўпгина темир рудалари таркибида олтин гугурт бўлади. Лари эса худди мана шу руда жинси ҳидини жуда яхши сезади. Бу ҳидни ит 10 метр наридан, ҳатто у ер остида бўлса ҳам адашмай топади.

Кон топишда Лари шуҳрат топган бўлса, швецариялик Вилли Шрейдер ўстириб тарбиялаган Фред лақабли ит қор кўчкилари остида қолган альпинистлар ва тоғ чанғичиларини қидириб топишда донг таратди. Кунларнинг бирида Фред ҳатто 12 метрлик қор уюми остида қолган кишини топди. Эгаси уни бошқа томонга бошлашига қарамай, Фред қайсарлик қилиб ҳид сезган томонга ўзини урaверган ва фожеа юз берган жойга бошлаб келган.

Ит ўз эгасини кўрмасдан туриб, унинг ҳидини ярим километр наридан сезади. Табиат кўп ҳайвонларга, айниқса, гўштхўр ҳайвонларга ҳид сезишда жуда ўткир қобилият ато этган. Бу сезгирлик улар тумшуғининг узун ёки калталигига боғлиқ. Ҳид сезишда тумшуғи ит тумшуғига ўхшаган тулки, бўри кабиларга тенг келадигани йўқ.Баъзан аксинча ҳам бўлади. Масалан, сиртлонлар тумшуғи калта бўлса-да, аммо ҳид билишда тумшуғи узун този итлардан ҳам сезгир.

Биологияда турли кузатишлар учун сон-саноқсиз имконият мавжуд ва у доимо янгиликлар билан тўлиб боради. Масалан, итлар феъл-атворини яхши биламиз деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, унда биз ҳали билмаган жумбоқлар оз эмас.

**А. АЛИЕВ тайёрлади.**

*Республикамиз оромгоҳларида*

## ТОҒ ҲАВОСИ

Тоғлар этагида ястаниб ётган дарахтзорлар оралаб борар экансиз, дарвоза пештоқида «Майманоқ» санаторий-профилакторийси деб ёзилган сўлим масканга кўзингиз тушади. Мазкур шифо масканининг фаолият кўрсата бошлаганига ҳам саккиз йил бўлди. Шу йиллар давомида қанчадан-қанча беморлар бу ерда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашди.

—Санаторий - профилакторийимизда асосан асаб тизими хасталиклари, бот, остехополинроз, радикулит, юқори нафас йўллари касалликлари даволанади,- дейди бош ҳаким Олимжон Абдураҳмонов, икки йилдирки, сурункали буйрак хасталиклари билан оғриган беморлар ҳам ташриф буюришаяпти.

Сиҳатгоҳда дам олувчилар ва даволанувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Хоналар кенг ва ёруғ, замонавий тиббий асбоб-ускуналар етарли.

Шифо масканини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтисодий муаммоларни бартараф этишда Касби пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти бевосита ҳомийлик қилаяпти.

— Бир неча йилдан буён меҳнат таътилини шу ерда ўтказиб келаяпман,- дейди Туроб Холмуродов,- салқин, баҳаво жойда ҳордиқ чиқарганга не етсин. Айниқса, қўшни Муборак туманидаги Қарлиқ қишлоғидан олиб келинаётган шифобахш, маъданли сув дардларга дармон бўлаяпти.

— Бу табиий сув таркибида олтингугурт, кальций, магний, йод ва бошқа элементлар мавжуд экан,-дея суҳбатга қўшилди ўзини Абдурашид Халилов, деб таништирган киши.

Дам олувчилар Элмурод Раҳмонов, Шарофат Бозорова, зиёдулла Йўлдошевлар ҳам бу ердаги шарт - шароитлар ва тиббий муолажалардан миннатдор бўлиб гапирдилар.

Сабоҳат Шомирзаева, Рашида Элмирзаева каби ҳамширалар хушмуомалаликлари, ўз касбига фидойиликлари боис ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишаяпти. Ошпаз Шодон Ҳикматуллаева тайёрлаган парҳез овқатлар беихтиёр киши иштаҳасини очади.

Маънавий, маданий тадбирларга алоҳида эътибор берилаётганлиги боис санъаткорлар, адабиёт намоёндалари, турли касб эгалари билан тез-тез давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб турилади.

Бир сўз билан айтганда, санаторий-профилакторийда дам олаётган кишиларнинг қалби бир олам қувончга тўлиб, қадрдон гўшаларига қайтишмоқда.

**Абдулла АЙИЗОВ, «Ишонч» мухбири.**

*Ўқинг, бу қизиқ!*

## АНАНАС БАРГИДАН ТОЛА

*Маълумки, ананас меваси ширин ва хушбўйлиги билан машҳурдир. Бунга яна унинг янги ҳусусияти ҳам қўшилди, яъни унинг баргидан жуда пишиқ, шойиникига қараганда тўрт марта ингичка бўлган тола олиш мумкин экан. Япониянинг «КАНЭБО» фирмаси ана шундай хомашёдан мато ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқди. Бунинг учун ўсимлик барги фирма томонидан ихтиро қилинган янги мойга ботириб олинади. Бу мой таркибини фирма ҳозирча сир сақламоқда. Янги толадан кўркам, юпқа, пишиқ турли товарлар ишлаб чиқариш мумкин.*

## РАНГЛИ ЧЎНТАК ТЕЛЕВИЗОРИ

*Япониядаги «Эпсон» фирмасининг француз бўлими экрани суюқлик кристалдан, оғирлиги 400 грамм, экран диоганали 13 сантиметрли чўнтак телевизорини ишлаб чиқарди. Бу телевизор «Секам» тизимига мўлжалланган бўлиб, батарея асосида ишлайди, телестанцияларни автоматик равишда ўзи қидириб топади. Ушбу митти телевизор, 121100 элементдан (катта телевизорда 480000) ташкил топган.*

**Илҳом ШЕРМУҲАММЕДОВ тайёрлади.**

ХХР фуқароси Кали Ҳусай номига берилган 627091 серияли паспорт йўқолган. Ушбу ҳужжатни топиб олганлар мукофот эвазига 797227 телефони орқали хабар беришларини сўраймиз.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 22.00 Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0376. Нусхаси — 18.090. Навбатчи муҳаррир — Ғ. Юсупов . Навбатчи — Х. Абдуллаев. 123456